

## Ким «Ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ

16:17 / 18.05.2018 3846

Убода ибн Сомитдан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким «Ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг шериги йўқдир, Муҳаммад Унинг бандаси ва Расулидир. Ийсо Аллоҳнинг бандаси, расули ва Марямга илқо қилган «калима»си ҳамда Ўзидан бўлган руҳдир. Жаннат ҳақ, дўзах ҳам ҳақ», деб гувоҳлик берса, қилган амалининг нималигига қараб, Аллоҳ уни жаннатга киритади», дедилар».**

Муттафақун алайҳ.

Имом Муслимнинг ривоятларида: **«Кимки «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, албатта Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг расулидир», деб гувоҳлик берса, Аллоҳ дўзахни унга ҳаром қилади», дейилган.**